



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 27
(947)
2025 йил
10 июль,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Экология,
атроф-мухитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги томонидан
республиканинг яшиллик
даражасини янада ошириш,
ўрмонларни кўпайтириш борасида
кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.
Бу борадаги самарадорликни
ошириш мақсадида вазирлик
хузуридаги Ўрмон агентлиги
фаолияти янада
такомиллаш-
тирилмоқда.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 30-майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўрмон хўжалиги агентлиги Ўзбекистон Республикаси Экология вазирлиги хузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (Ўрмон агентлиги) этиб қайта ташкил этилди.

Фармонга кўра, Ўрмон агентлиги зиммасига қўшимча вазифалар юклатилди. Яъни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирларини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш, чўлланишга қарши курашиш ва ер деградациясининг олдини олиш агентлик фаолиятининг устувор вазифалари қаторига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Агентлик томонидан 2025-йилда яшиллик даражасини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 130 минг гектар ҳудудда ўрмон барпо этилди (йил охиригача яна 123 минг гектарда ўрмонлар яратилади). Барча ўрмон хўжаликларида 123 млн дона кўчат етиштирилди, шундан 30 млн донаси аҳоли ва ташкилотларга берилди. Шунингдек, 2,7 минг гектарда химоя ўрмонзорлари барпо қилинди, 2,7 минг гектар деградацияга учраган ерлар тикланди (бу рақам йил охиригача 7 мингга етказилади), 5,9 минг гектарда доривор ўсимликлар плантациялари, 10 минг тонна маҳсулот етиштирилди, «ин витро» лабораториялари фаолияти йўлга қўйилди ва 20 минг гектар ер кам таъминланган оилаларга ижарага берилди.

19–21-июн кунлари ўтказилган халқаро экологик технологиялар кўргазмасида Ўрмон агентлиги қатор халқаро компаниялар билан ҳамкорлик келишувларини имзолади. Мазкур келишувлар чўл минтақаларда яшил ҳудудлар яратиш, қум бўронларига қарши технологияларни қўллаш, рақамли ўрмон бошқаруви платформалари ҳамда 150 минг гектарда ўрмон масивлари яратишни камраб олади.

Маълумот учун, «Green University» хузурида Хитой Фанлар академияси Шинжон экология ва география институти филиали ташкил этилди. У ерда сувни тежовчи технологиялар асосида аҳоли пунктларини

кўкаламзорлаш, чўл ва яйлов экотизимларини тиклаш, шўр ва куруқ ҳудудларда галлофит ва ксерофит ўсимликларни етиштиришга қаратилган лабораториялар фаолият юритади.

Айни дамда хорижлик ҳамкорлар билан бирга 5 туманда (Арнасой, Нукус, Қорақўл, Муборак, Кармана) галлофит боғлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, Шинжон институти мутахассислари томонидан Қашқадарё ва Сурхондарёда яйловларни тиклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, 142 млн долларлик кредит ва 11 млн долларлик грант маблағлари ҳисобига ўрмон ландшафтларини тиклаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2025-йилда 20 млн доллар ўзлаштирилди.

“Яшил макон” ташаббусини янги ёндашувлар асосида жадаллаштириш, доривор ўсимликлар хом-ашёси ва қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, “Ўзбеккосмос” ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ўрмон фонди ерларини инвентаризация қилиш бўйича мониторинг амалга оширилмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, 1033 та ноқонуний ҳолат прокуратурага юборилди.

Маълумот учун, 2025-йил 30-майдаги “Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосланиб, 2030-йилгача ўрмон фонди ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди. Унга кўра, 1,5 миллион гектарда ўрмонлар барпо этиш, 919 миллион дона кўчат ва ниҳол етиштириш, 47,7 минг гектар ерни ўзлаштириш ва 18,7 минг гектар майдонда химоя ўрмонзорлари ташкил этиш кўзда тутилган. 2030-йилгача барча мақсадли кўрсаткичлар тўлиқ бажариш мақсад қилинган.



UN Tourism

“UN TOURISM” ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ТУРИЗМ РИВОЖИНИ Қўллаб-қувватлайди

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (“UN Tourism”) бош котиби Зураб Пололикашвили Тошкент шаҳрида жойлашган Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — “Green University”га ташриф буюрди. Унга Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов ҳамда Туризмни ривожлантириш қўмитаси раиси Умид Шодиев ҳамроҳлик қилди.

SIGNING CEREMONY



Ташриф давомида бош котиб университет фаолияти, унинг ўқув ва илмий инфратузилмаси — замонавий лабораториялар, махсус аудиториялар, интерактив таълим платформалари, шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва биологик хилма-хилликни сақлашга бағишланган илмий тадқиқот лойиҳалари билан танишди.

Зураб Пололикашвили ““Green University”” ташкил этилиши ташаббусини юқори баҳолади ва бу каби таълим формати барқарор ривожланиш ҳамда атроф-мухит муҳофазасини илгари суришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

“UN TOURISM” ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ТУРИЗМ РИВОЖИНИ Қўллаб-қувватлайди



(Боши 1-саҳифада)

“Биз мутлако янги ва ижодий муҳитга эга университетда бўлдик ва жуда ҳайратландик. Ушбу университет экологияни, экологларни ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлайди. Бу таълим тизимида жуда муҳим ва янги йўналишдир. Мен вазирни табриклайман ва Президентга барқарор ривожланиш ҳамда барқарор туризмни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиргани учун миннатдорлик билдираман, — деди у. — Бу Ўзбекистоннинг нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида етакчи ўринни эгаллаётганини кўрсатади. Бундай университетлар дунё миқёсида ноёб ҳисобланади ва Ўзбекистон бу жараёнда етакчига айланмоқда, бу жуда қувонарли ҳол”.

Ташрифнинг асосий натижаси “UN Tourism ” ва “Green University” ўртасида барқарор туризм, экология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган Англашув меморандумининг имзоланиши бўлди. Ҳужжатни бош котиб Зураб Пололикашвили ҳамда вазир Азиз Абдуҳақимов имзолади.

Меморандумга мувофиқ томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар:

- Ўзбекистонда барқарор туризм салоҳиятини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш ва илғор тажрибаларни тарғиб қилиш;

- Барқарор туризмнинг жамият ва атроф-муҳит учун ижобий ўзгаришлар омили сифатидаги аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

- Туризмни Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш воситаси сифатида тарғиб қилиш;

- Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурсларни бошқариш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш соҳаларида инновацияларни жорий этиш;

- Илмий тадқиқотлар ва академик алмашувни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини кенгайтириш;

- Қўшма таълим ва маърифий ташаббусларни ишлаб чиқиш.

Меморандум доирасида “UN Tourism” ва “Green University” ўртасида мунтазам мулоқот ўрнатилиши, қўшма лойиҳалар мувофиқлаштирилиши, ўқув дастурлари ташкил этилиши ва илғор тажрибалар алмашинуви режалаштирилган.

Маълумот учун, “UN Tourism” — БМТнинг ихтисослашган агентлиги бўлиб, у 166 та давлат ва ҳудудлар ҳамда хусусий сектор, илмий муассасалар ва туризм уюшмаларини ўз ичига олган 500 дан ортиқ аъзолардан ташкил топган.

Ушбу меморандумнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг экологик ва туристик стратегияларини глобал барқарор ривожланиш кун тартибига интеграциялаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, мамлакатнинг “яшил иқтисодиёт” тамойиллари ва халқаро ҳамкорликка содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ЭКОЛОГИК ПАСПОРТЛАР —

ҳудуд экологик ҳолатининг кўзгуси

Бугунги глобал экологик инкирозлар даврида ҳудудлар экологик паспортларининг аҳамияти жуда катта. Айниқса, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, экологик назоратни кучайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш нуктаи назаридан экологик паспортлар ҳудуднинг экологик ҳолатини тўлиқ акс эттиради. Унда атмосфера, сув, тупроқ, флора ва фауна тўғрисидаги маълумотлар жамланган бўлади.

Шунингдек, ҳудуддаги экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича стратегик режалар тузишда ёрдам беради. Масалан, саноат чиқиндиларини камайтириш ёки яшил ҳудудларни кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш мумкин.

Бундан ташқари, инвесторлар учун экологик тавсифномадир. Яъни, инвесторлар “экологик паспортлар” ёрдамида ҳудуднинг экологик ҳолатини билган ҳолда, атроф-муҳитга салбий таъсир келтирмаслик борасида тегишли чоралар кўради. Экология ва атроф-муҳитга доир зарур маълумотларни қамраб олиши нуктаи-назаридан муҳим илмий ва статистик манбадир. Тадқиқотчилар, талабалар, мутахассислар учун экологик паспортлар илмий изланиш олиб боришда ишончли маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, муайян ҳудуд, айниқса туман (шаҳар) даражасида экологик паспортни тайёрлаш ва шу асосида рейтингни юритиш масаласи комплекс ва маълумотларга бой жараён бўлиб, унда турли хил экологик, географик ва ижтимоий омиллар ҳисобга олиниши зарур бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури (UNEP) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳудудлар учун экологик паспортлаш бўйича меъёр ва тавсияларни тақдим этган. Давлатлар учун тавсиявий характерга эга бўлган “Халқаро GREEN CITY INDEX” услубиёти ишлаб чиқилган. Шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига (SDG) асосланган муҳим индикаторлар жаҳон миқёсида амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Ҳудудларни экологик паспортлаш масалаларида мамлакатлар муайян натижаларга эришмоқда. Шу ўринда, Германия, Швеция, АҚШ, Франция ва Хитойнинг бу борадаги тажрибалари эътиборга моликдир.

Хусусан:

Германияда ҳар бир ҳудуд учун экологик маълумотлар геоинформацион тизимлар (GIS) асосида йиғилиб, экологик паспортлар реал вақт режимида янгилаб борилади. Умуммиллий экологик маълумотлар базаси (UBA) орқали фукаролар ҳам маълумотга очиқ кириш имконига эгадирлар. Мазкур тизимда ҳаво сифати, сув ресурслари, тупроқ ва биохавфсизлик ҳолати қамраб олинади;

Швецияда ҳар бир ҳудуд учун экологик паспорт барқарор ривожланиш индикаторлари асосида тузилиб, жараёнда фукаролар, ННТлар ва тадбиркорлар ҳам иштирок этади. Экологик паспорт маълумотлари махсус платформалар орқали фойдаланувчиларга тақдим этилади;

АҚШда экологик паспортлар ЕРА (Environmental Protection Agency) томонидан юритилиб, ҳар бир штат, ҳатто шаҳар даражасида ҳам экологик мониторинг амалга оширилади. ЕРА махсус “Envirofacts” платформасида ҳар бир ҳудуд учун экологик маълумотлар, ифлосланиш манбалари ва стандартларга мослик ҳақида маълумотларни тақдим этади. Мазкур тизимда

ҳаво, сув, чиқиндилар, ер ва биохилмаҳиллик тўғрисида тўлиқ таҳлиллар мужассамлашган;

Хитойда Smart Ecology дастури орқали шаҳар ва вилоят даражасида рақамли юритиладиган “ақли” экологик паспортлар жорий этилган. Улар сунъий интеллект ва IoT (Интернет-нар-салар) орқали автоматик мониторингни амалга оширади. Ҳар бир ҳудуддаги экологик ҳолат мобил иловалар орқали кузатилиши мумкин;

Францияда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда интеграциялашган ёндашув йўлга қўйилган. Хусусан, экологик паспортлар нафақат экологик, балки социал ва иқтисодий кўрсаткичлар билан ҳам боғлиқ равишда тайёрланади. Ҳудудларни ривожлантириш режалари экологик паспорт маълумотларига асосланади. “Écologie territoriale” концепцияси асосида табиат ва инсон уйғунлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистонда ҳам бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, экологик барқарорлик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари иқтисодий тараққиётга эришиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш борасидаги ислохотларимизнинг асосий ва энг муҳим элементларидан биридир.

Шу нуктаи-назардан, ривожланган, барқарор ва қудратли Янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги қабул қилинган стратегияларимиз, дастурларимиз ва тадбирларимизнинг барчасида экологияга оид аниқ мақсадга йўналтирилган, узоқ муддатли стратегик режаларимизга эришишни кўзда тутган тадбирлар ўрин олган.

Ҳудудларни барқарор ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликларга барҳам бериш, юртимизнинг барча нукталарида фукароларимиз учун қулай атроф-муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган ислохотларимизнинг самарадорлигини, айниқса асослигини таъминлаш мақсадида экологик паспортлар, экологик мастер режалар ҳамда ҳудудларнинг экологик рейтингини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида республиканинг 14 та маъмурий маркази учун экологик паспортлар, улар асосида ҳудудларнинг экологик рейтинги шакллантирилган. Шунингдек, улардан очиқ фойдаланиш имконини берувчи GREENCITIES.UZ онлайн платформа-си ишга туширилган.

Умуман олганда, экологик паспорт — бу оддий ҳисобот эмас, балки ҳудуднинг “соғлиги” ҳақидаги тўлиқ тасвир, экологик мастер режалар мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишнинг асоси, ҳудудларнинг экологик рейтинги бу борадаги ислохотларимиз самарадорлиги индекси, эришилган ижобий натижалар эса шак-шубҳасиз, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида мустаҳкам замин десак тўғри бўлади.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

ДЕПУТАТ

ҲОМИЙ ЭМАС, ХАЛҚ ВАКИЛИ!

Маҳаллий вакиллик органлари (халқ депутатлари Кенгашлари) фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган сўнгги ислохотлар натижасида депутатлик институтининг жамиятдаги ўрни тобора ошмоқда.

Бу жараёнда айниқса икки муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатлар орқали депутатлик институтининг асл моҳияти очилмоқда: депутатга эндиликда одамларнинг кундалик маиший муаммоларини ечиш билан шуғулланувчи шахс эмас, балки ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига масъул ташаббускор инсон, қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга татбиқини назорат қилувчи халқ вакили сифатида қаралмоқда. Яъни, депутатнинг асосий эътибори эндиликда маҳаллий аҳолининг турмушдаги ҳар бир майда муаммосига эмас, балки ҳудудни комплекс ривожлантиришга қаратилиши ва у ўз ваколати доирасида қонунлар ижросини назорат қилиши шарт.

Янги фармонга кўра, маҳаллий вакиллик органларини ривожлантириш Концепцияси доирасида кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Кенгашлар ўз қотибиятларининг мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизимида ўтиши, яъни молиявий жиҳатдан ижро ҳокимиятидан бутунлай мустақил фаолият юритиши назарда тутилди. Шунингдек, Кенгаш раиси ўринбосари лавозимини жорий этиш режалаштирилган бўлиб, бу депутатлик корпусига ташкилий жиҳатдан кўмаклашиб, Кенгаш ишини янада самарали қилишга хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет харажатларининг маълум қисмини бевосита депутатлар ташаббуси асосида шакллантириш амалиёти йўлга қўйилиши натижасида депутатлар ўз ҳудудидаги муаммолар ечимини маҳаллий молиявий дастурларга киритилиши учун ташаббус кўрсатиши мумкин бўлади. Умуман олганда, бу каби чоралар маҳаллий вакиллик органларини ҳудуд тараққиётига ма-

съул кучга айлантиришга қаратилгандир.

Депутатнинг яна бир асосий вазифаси – қабул қилинган қонунлар ва давлат дастурларининг ҳудудлардаги ижросини назорат қилиб боришдир. Халқ вакиллари бу орқали ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар ва қонун нормаларининг ҳаётга тўла татбиқ этилишини таъминлайдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда маҳаллий Кенгашларга фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган вазифа ва функциялар юклатилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бундай ўзгартишлар депутатларни маъмурий-ташкилий майда масалалар гирдобидида чалғитмай, асосан стратегик вазифаларга эътибор қаратишини таъминлайди. Яъни, депутат энди ўз ваколат доирасига қирмайдиган ҳар хил маҳаллий хўжалик ёки маиший муаммоларнинг “ўт ўчирувчиси” эмас; бундай муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда ижро этувчи тузилмалар зиммасига тушади. Депутат эса ана шу тузилмаларнинг ишига таъсир ўтказиши, улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади ҳамда ҳудудни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирларни бошқаради.

Ислохотлар жараёнида маҳаллий вакиллик ҳокимияти фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ҳам жадал жорий этилмоқда. Жумладан, маҳаллий идоралар ва корхоналар раҳбарлари энди депутатнинг сайловчилар билан учрашувлар ўтказишига ёки фуқаролар қабуллари ташкил этишига тўсқинлик қила олмайди – янги тартибга кўра, ҳар бир корхона ва муассаса ўз ходими бўлган депутатни иш вақтида сайловчилари билан мулоқот қилиши учун озод этиши шарт этиб белгиланди. Шу тариқа аввал аҳоли ва депутат ўртасида учрашув уюштиришда мавжуд бўлган институционал тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Бундан ташқари, “Е-Kengash” электрон платформаси орқали депутатлар ўз фаолиятини интерактив тарзда ташкил этиши, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиши учун зарур шарт-шароит яратилаёпти. Ҳужжатларни электрон имзолашда Face ID каби биометрия технологияларидан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби

замонавий ечимлар ҳам “Е-Kengash” доирасида жорий этилмоқда.

Энг асосий янгилик – “Е-Kengash” орқали аҳоли ўз мурожаатларини бевосита ўз вакилларига етказиши учун электрон платформа яратилгандир. Концепцияда илк бор фуқароларнинг маҳаллий Кенгашларга электрон жамоавий мурожаат юбориш ҳуқуқи ва тартиби белгилаб берилди. Унга мувофиқ, белгиланган муайян соонда сайловчи томонидан қўллаб-қувватланган электрон мурожаат маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқилиши шарт. Масалан, лойиҳага биноан камида 1000 нафар ташаббускор сайловчи имзолаган электрон мурожаат туман (шаҳар) Кенгаши муҳокамасига олиб чиқилади, вилоят ва Тошкент шаҳар миқёсида эса 5000 нафар сайловчи ташаббуси билан масалани Кенгаш кун тартибига киритиш имконияти яратилади. Бу янгилик ҳақиқий маънода электрон бошқарув механизми сифатида хизмат қилиб, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни депутатлар кун тартибига олиб чиқишга имкон яратади. Яъни, эндиликда фуқаролар “Е-Kengash” тизими орқали ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуднинг долзарб муаммолари юзасидан жамоавий мурожаатни шакллантириб, вакиллик органига юборишлари мумкин – етарлича сайловчи томонидан қўллаб-қувватланса, депутатлар ушбу мурожаатни сессияда муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилишлари шарт бўлади.

Бугун аҳоли орасида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳақида баъзи нотўғри фикрлар учраб турибди. Масалан, кўпчилик депутатлар ойлик олади деб ўйлашади, ёки «депутат бўлиб нима қила олар эдинг?» деган саволларни беришади. Ёки бўлмаса, «аввалги депутатимиз тадбиркор эди, халққа ёрдам берарди, ёғ-мой тарқатган» дейишади. Албатта, бу сингари тасаввурлар депутатликнинг асл моҳиятига мутлақо зид. Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий Кенгаш депутати ўз фаолияти учун иш ҳақи олмайди, яъни жамоатчилик асосида фаолият олиб боради. Ҳудуддаги муҳим масалаларни ўрганишга, сайловчилар билан учрашувларга ўз ёнидан сарфлаб боради. Унинг вазифаси – ҳомийлик ёки моддий ёрдам эмас, балки ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун давлат идораларини назорат қилиш, улардан ҳисоб сўраш, те-

гишли масалаларни Кенгаш сессиясига олиб чиқиш ва қонунлар ижросини таъминлашда халқнинг овози бўлишдан иборат. Агар депутат озиқ-овқат тарқатаётган бўлса – бу шахсий бегараз ҳаракат сифатидагина мумкин, лекин бу унинг асосий вазифаси эмас. Ҳақиқий депутат одамларга нафақат бир марта ёрдам беради, балки муаммонинг ечими учун тизимли чора кўради. Масалан, бир маҳаллада ичимлик суви муаммоси бор бўлса, депутат бунини вилоят Кенгашига олиб чиқади, тегишли муассасалардан ҳисобот сўрайди.

Депутат – халқнинг давлат идораларини назорат қилувчи тиргагидир. Унинг қўлида қонун, имкониятида эса мурожаат қилиш, сессияда масала кўтариш, назорат қилиш ваколатлари бор. Шунинг учун ҳам, жамоатчилик депутатдан моддий ёрдам эмас, балки ташаббус, фаоллик, қонунчиликни ҳаётга татбиқ этишга ёрдам беришини кутиши керак.

Ҳар бир фуқаро билиши зарурки, депутатнинг кучли фаолияти жойлардаги ижтимоий ислохотларнинг, ривожланишнинг, адолатнинг кафолати. Шундай экан, ҳар бир депутатга жамоатчиликнинг ишончи сифатида қарашимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз, биргаликда мулоқот ва ҳамкорликда ишлашга интилишимиз лозим. Янги ислохотлар маҳаллий вакиллик органларини халқнинг ҳақиқий “овози”га айлантириш, ижро ҳокимиятининг ҳисобдорлигини ошириш ва ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий Кенгашлар – халқ овози ва давлат сиёсати уйғунлашадиган асосий майдонга айланиб бормоқда. Депутатлар энди маиший муаммолар билан ўралашиб қолмай, ўз олдига қўйилган юксак вазифаларни бажариш орқали жойларда халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишлари зарур. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, жамоатчилик назоратини амалда қарор топишига хизмат қилади.

Мавлон БОБОХОНОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд
вилояти кенгаши депутати,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат
университети
профессори

Донишмандларнинг шундай хикмати бор: “Агар мамлакат 1 йил ривожланаман деса, бугдой экин, агар мамлакат 10 йил ривожланаман деса, дарахт экин, агар 100 йил равнақ топаман деса, ўз ёшларини ўстирсин, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратсин”.

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ЁШЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Мақола аввалида бежиз ушбу фикрларни келтирмадик. Англаганингиздек, қайсики мамлакатда ёшларга эътибор юкори бўлса, ўша давлатнинг келажаги буюк ва қудратли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ёшлар сиёсати нафақат миллий, балки умуминсоний қадриятларга асослангани, ўзгармаслиги, узоқ истиқболга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Янги таҳрирдаги Конституция-мизда белгиланган “Ўзбекистон ижтимоий давлат”, деган принципнинг моҳияти ҳам шу, десак, хато бўлмайди. Аслида давлатдаги ижтимоий барқарорлик кўп жиҳатдан ёшларнинг барча қатламларига йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимояга, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имкониятларини юзага чиқаришда етарли шарт-шароит яратилганига боғлиқ. Шу маънода, бугун Ўзбекистонда йўлга қўйилган ёшларга оид давлат сиёсати ана шу вектор бўйлаб ривожланаётгани таҳсинга сазовор.

Жаҳонда мамлакатларнинг ёшларга оид сиёсатини таҳлил этадиган бўлсак, аввало, таълим-тарбия, касб-хунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзига даъват этиш, муҳим ҳаётий кўникма ва тушунчаларини шакллантириб бориш энг устувор йўналишлар ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда 14 — 30 ёшдаги қарийб 9,1 миллион ёшларнинг балансини шакллантиришда худди шу жиҳатлар эътиборга олинди. Хусусан, 5 та — ёшларнинг бандлиги, таълим билан қамраб олинганлиги, оилавий ва ижтимоий ҳолати ҳамда саломатлиги йўналишида маълумотлар жамланиб, ёшлар билан ишлаш шу асосда ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ёшлар билан ишлашнинг янги вертикал тизими яратилди. Бунинг натижасида ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилишига эришилди. Етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилди. Етакчилар томонидан 14-30 ёшдаги 9,1 млн нафар “Ёшлар баланси” шакллантирилди.



Бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, ушбу лавозимга танлаб олинган кадрларнинг аксарияти ёшлар билан ишлаш бўйича 1 йилдан 10 йилгача тажрибага эга ёш кадрлар. Етакчиларнинг 85 фоизи олий маълумотли. Ёшлар етакчиларининг бош вазифаси худуддаги ёшларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, касб-хунарга йўналтириш, бўш вақт ларини мазмунли ташкил этиш, уларни ҳар жиҳатдан ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пировардида жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир. Маҳаллаларда йўлга қўйилган “ёшбай” асосида ишлаш тизими ўзини оқламоқда.

Дарвоқе, бир неча йиллардан

буён мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ушбу сана муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашади. Ўзбекистон ёшларини ушбу қутлуғ айём билан табриклаб, уларга меҳри ва ишончини билдиради. Бу йил ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашиб, фикрлашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар аниқ натижалар бераётир. Ўтган йили юртимиз ёшлари “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 нафар йигит-қиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1 минг 500 нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли университетларда таҳсил оляпти.

Айниқса, юртдошларимиз санъат, спорт соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Яқинда футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани ҳам тарихий воқеалик сифатида муҳрланди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биринчи ва иккинчи Ренессансни буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни ёшларимизга бермоқда. Ёшлар — Янги Ўзбекистон

бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлоддир.

Бугунги кунда ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига қўмаклашиш масаласи давлатимизнинг асосий вазифасига айланган. Бунда замон талабидан келиб чиқиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг ёшлар ўқитилгани, ўтган йили 150 мингдан зиёд йигит-қиз халқаро тил сертификатлари олгани фикримиз далили, албатта.

Ёшларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбияламоқчи бўлсак, албатта, уларнинг бўш вақтини қандай ўтказаяётганига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. “Ёшларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти” деган ҳикматдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, масала жуда жиддий. Ёшлар бандлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда мактаса арзигулик ишлар қилинапти, деб айта оламиз. Буни қуйидаги келтирилган ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилиш мумкин.

Эътибор беринг: бу йил 35 миллиард долларлик 8 минг 300 та лойиҳа орқали 292 мингта иш ўрни яратилмоқда. Яна 500 мингта иш ўрни яратадиган 83 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Натижада “яшил” иқтисодиёт, саноат, энергетика, геология, муҳандислик ва бошқа соҳаларда минглаб мутахассисларга талаб пайдо бўлади.

Умуман олганда, эртамиз келажаги — ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолаверади. Зеро, Президентимиз ёшлар билан ўтказилган учрашувда қайд этганидек, ёшларнинг ҳар бир ютуғи — бутун халқимизнинг ютуғидир. Уларнинг азму шижоати, соғлом дунёқараши, бахту иқболи — миллионлаб ота-оналар, устоз-мураббийлар, яқинларнинг ҳам бахту саодатидир. Тарихий учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларга имкониятларни кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурдики, буларнинг барчаси мамлакатимиз олтин фонди — ўғил-қизларимиз бахти ва порлоқ келажаги йўлида хизмат қилади.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ИЗЛАНУВЧАНЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Самарқанд туманидаги Аҳмаджон Султонов
раҳбарлик қилаётган “Аъзам Азамат Агро”
фермер хўжалиги ана шундай шарафга муносиб.

Ўзбекларнинг эртагу дostonларидан тортиб, қадимий битиклардаги ривояту ҳикоятларида ҳам, алломаларимиз асарларида ҳам, динимизда ҳам ерчи деҳқонлар энг саховатли, энг мурувватли, мўътабар инсонлар сифатида тилга олиб келинади. Улар хануз шундай – феъли содда, кўли очик, меҳмондўст. Ўзидек одмигина дастурхони ҳамма учун доимо ёзиғлиқ туради.

Деҳқончиликда Самарқанд тумани тажрибаси, деҳқончилик маданияти, илғорлиги ва ишбилармонлиги алоҳида тилга олинади. Улар асрлар давомида тўплаган улкан тажрибалари бугун фермерчиликда ҳам тобора кулоч ёйиб, бу тармоқ жадал ривож топмоқда.

Худудий жиҳатдан кўхна Самарқанд билан тутшиб кетган бу туманни қадимий кентнинг “яшил белбоғ”ига қиёслашади. Бунинг асосий сабаби, туман деҳқонлари, сохибкорлари томонидан бутун йил давомида шаҳарликлар дастурхонининг тўкин этилиши таъминланмоқда. Туманда илғор фермерлар ҳақида гап кетганда, энг аввало Аҳмаджон Султонов номи тилга олинади.

Мазкур фермер хўжалигининг ташкил этилганлигига ўн тўққиз йил бўлди. Ўтган даврдаги қайси бир кўрсаткичга назар ташламанг, йилдан-йилга ошиб борганлигига гувоҳ бўласиз.

Жумладан, фермер хўжалиги 2006 йили 20 гектар майдонда иш бошлаганди. Ўшанда жамоада 6 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир ишловчилар сони 70 нафар, мавсум қизгин, йиғим даврларида эса 150 нафарни ташкил этади. Қишлоқ мулкдори тасарруфидаги ерлар 60 гектар бўлиб, шуларга мутаносиб равишда фермер хўжалигида ғалла, сабзавот, узумчилик, интенсив боғлар яратиш, паррандачилик, чорвачилик ривожланиб бормоқда.

Аҳмаджонга деҳқончилик ота касб. Отаси Аъзам бобо бир умр деҳқончилик билан шуғулланган. Аъзам бобо турмуш ўртоғи Бахроной ая билан 6 нафар фарзандини эл-юрт корига муносиб, меҳнатсевар қилиб тарбиялашди. Олти ўғил ахил ва иноқ бўлиб, бир-бирини суяб, кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Одамлар уларга ҳавас қилишади.

Меҳнатнинг нони тотли бўлади. Уни еган одам эса ҳар бир ишда

омилкор ва тежамкор бўлиб, иш куролининг ҳамиша соз туришига ҳаракат қилади. Фермер Аҳмаджон Султонов ҳам бор имкониятини

Ҳаракатга қараб барака, деб бежиз айтилмаган. Жорий йилда ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, шунга яраша соф фойда кўзланмоқда. Олинган соф даромад ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга, кўп тармоқли фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда хайрия ишларига сарфланмоқда.



ишга солиб, фермер хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришга сарфламоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида тадбиркорлик соҳасида маълум тажриба тўплаган, кўплаб давлатларда бўлиб, хориж ишбилармонларни иш услубларини ўрганган Аҳмаджон Султонов деҳқончилик ва чорвачиликнинг кўпгина тармоқларини ўзлаштириш зарурлигини англаб етди. Шу боис Польша ва Германиядан насли моллар келтириб парваришлади, ҳозир уларнинг сони 280 бошга етди. Голштейн сут йўналишига мослашган чорва бўлиб, сермахсул маҳсулот олинмоқда. Шу боис, вилоятдаги йирик сут ишлаб чиқарувчи корхоналарни мазкур фермер хўжалиги ўз маҳсулотлари билан таъминлайди.

Фермер хўжалиги йилдан-йилга кўп тармоқли бўлиб бораётир. Ҳар йили ғалладан мўл ҳосил олинади. Жорий йил ҳам 4 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 60 центнерни ташкил қилди. 11 гектар майдонда турли хил узум навлари етиштирилмоқда. 7 гектар майдонда интенсив боғ яратилиб, олмazor барпо этилди. Фермер хўжалиги томонидан Россиянинг бир қатор давлатлари билан мева экспорти бўйича шартномалар имзоланган. 2024 йилда 2000 тонна мева ва сабзавот экспорт қилинди. Жорий йилда эса 2500 тонна экспорт шартномалари имзоланиб, гилос, шафтоли, олхўри мевалари экспорт қилинмоқда. Бунинг учун фермер хўжалиги ихтиёрида 25 та чет элга маҳсулот экспорт қиладиган замо-

қишлоқ мулкдори Аҳмаджон Султонов фаолиятида ана шундай тамойил мужассамлиги ҳам кишини қувонтиради. 2011 йилдан бошлаб фермер хўжалиги қошида 3 хилдаги пластмасса яшиқлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб фаолият кўрсатмоқда. Хитой ускуналари ўрнатилган мазкур цехда маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган. Фермер хўжалиги ихтиёрида 12 та турли русумдаги замонавий юк автомобиллари мавжуд. Улар шартнома асосида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда хизмат кўрсатаётир.

Ҳаракатга қараб барака, деб бежиз айтилмаган. Жорий йилда ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, шунга яраша соф фойда кўзланмоқда. Олинган соф даромад ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга, кўп тармоқли фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда хайрия ишларига сарфланмоқда. Фермер хўжалиги ишчилари Равшан Ҳамроқулов, Аслиддин Мирзақулов, Ҳамза Мирзақулов, Даврон Суяровлар жамоада меҳнат қилаётганидан, моддий манфатдорлиги ортидан оиласи фаровонлиги юксалиб бораётганлигини мамнуният билан гапиришди. Фермер хўжалиги томонидан Шурбойи маҳалласининг маъмурий биноси қуриб берилди. “Саховат” уйлари доимий ҳомийлик кўрсатилмоқда. Оддий қишлоқ йигитининг мулкдор бўлиб, ўндан ортиқ соҳаларни изчил йўлга қўйганлиги ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. Фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Султонов туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. У эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш, фермер хўжалигининг янада юқори натижаларга эришиши йўлида астойдил изланади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ
журналист

2025 йил 7 август куни Тошкентда бўлиб ўтадиган Женнифер Лопеснинг концерти ҳақидаги маълумотлар тадбир ташаббускори бўлган Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг телеграм каналида жойлаштирилган (<https://t.me/acdfuz>).

Ушбу тадбир юзасидан ижтимоий тармоқларда айрим юртдошларимиз концерт учун пул халқ ҳисобидан тўланади, деган фикр билдирмоқдалар.

Ўзбекистон Ҳукуматининг 2017 йил 11 ноябрдаги 886-сон қарори билан тасдиқланган Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга кўра, ушбу Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларидан бири республика бюджети маблағлари ҳисобланади (Низомнинг 10-банди). Аммо Лопес концертини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, деган қатъий хулосага келиш мумкин эмас.

Концертни ўтказиш харажатлари чипталар сотувидан тушган маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан қоплашиши ҳам мумкин, чамамда.

Чипталар нархи қиммат – 1 млн. 40 минг сўмдан 4 млн. 100 минг сўмгача (<https://ticket.uz/event/concerts/jenefer-lopez-25>). Ўртача нархи 2 млн. деб ҳисобланганда ҳам 30 мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган стадионда бўладиган концертдан тушум тахминан 60 млрд сўм бўлади. Бу Лопес хизматига ҳақ тўлашга балки етар...

Лекин концерт харажатлари ва даромадлари масаласани кўйиб турайлик. Бундан кўп қарра аҳамиятлироқ масала бор! Яъни Ж.Лопеснинг концерти маданий-маънавий, асл санъат нуқтаи назаридан қанчалик аҳамиятли ва томошабинларга нима беради? Асл санъат намуналари билан ўзбекистонликларга ҳақиқий эстетик ҳузур бағишлайдими ёки шоу-бизнеснинг бачкана маҳсулотлари билан гангитиб, маст қиладими?

Хўш, Женнифер Лопес ким ўзи? «Америкалик актриса, кўшиқчи, раққоса, модельер, продюссер ва тадбиркор аёл... ўз авлодининг энг муваффақиятли кўшиқчиларидан бири; Голливуднинг энг юқори маош оладиган актрисаси. Википедия манбасида шундай маълумот жойланган. Биз бунга асло шубҳа қилмаймиз.

Аммо бу жаҳон юлдузи – businesswoman нима ҳақида ва қандай кўшиқ айтиб, рақсга тушади?



УВОЛ БЎЛАЁТГАН САҲНА

Агар унинг YouTube каналига жойланган видеоклипларини кўрсангиз, унинг «ижоди»ни санъат деб аташ қийин – ярим яланғоч ёки деярли яланғоч аёлнинг мусиқасимон шовқин остида, танасининг нозик қисмларини бўрттириб, беҳаё ҳаракатлар қилиши...

Асл санъат ва сохта санъат доимо инсониятга ҳамроҳ бўлиб келган. Бунда ҳақиқий санъат охир-оқибат устун келган. Бироқ бугунги глобаллашган дунёда интернет, рақамли технологиялар ва ижтимоий тармоқлар туфайли одамларнинг онги ва тафаккурига ҳақиқий санъат асарлари эмас, балки шоу-бизнес вакилларининг ақл-идрокдан йироқ, бадий ва эстетик қийматга эга бўлмаган «ижод» маҳсулотлари тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Фикримча, бу ҳолат глобал экологик муаммолар, глобал ядровий ҳалокатга айланиб кетиш хавфини туғдираётган минтақавий ҳарбий можаролар билан бир қаторда, инсониятнинг глобал таҳдидларидан бирига айланди. Бу умуминсоний маънавий таназзулнинг белгиси бўлиб, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Афсуслар бўлсин, воқелик

шундан иборат бўлиб қолдики, шоу-бизнесменларнинг сохта маҳсулотлари маънавий ҳаётимизда асл санъат мусиқий асарлари ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда... Уларнинг беъмани, савиясиз, бачкана, енгил-елпи мусиқасимон шовқин шаклидаги «ижод» маҳсулотлари телеканаллар, интернет,

рига бой бизнес-шоу-дастурларидан иборат маънавий заҳардан эмас, балки асл санъат намуналаридан баҳраманд бўлиши учун фаол ва тизимли ишга киришишини умид қилиб қоламиз!

Ишончим комилки, Америка, Европа ва Африкада – барча мамлакатлару китъаларда ҳақиқий санъатнинг кўплаб вакиллари мавжуд. Уларнинг ижоди инсонга чинакам эстетик завқ бахш этади, уни эзгуликка элтади – олижаноб, меҳрибон, ҳалол, меҳнаткаш бўлишга ундайди. Бундай ижод инсонни ўз Ватани ва халқини севишга, миллати, терисининг ранги, диний эътиқодидан қатъи назар, одамлар ўртасидаги дўстликни қадрлашга ўргатади.

Фикримизча, Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси «халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият

ижтимоий тармоқлар, концертлар, оммавий тадбирларлар, тўю-томошалар, кўча-кўйда, кафе-ресторанларда, барча жамоат жойларида тақдим этилиб, тарғиб, реклама қилиниб, инсонларнинг мусиқий дидини тубанлаштирмоқда, улар онгини заҳарламоқда, маънавиятини емирмоқда.

Мусиқий санъат соҳасида тушунчаларимиз, дидимиз, эҳтиёжimiz шу даражада тубанлашиб кетдики, ҳатто давлатга қарашли «Наво» телеканали орқали кечаю кундуз бемаъни, одоб-ахлоқ қоидалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга зид мусиқий асарлар тижорий асосда эфирга берилаяётганига ҳаммамиз кўникиб қолгандекмиз...

Лекин ҳечдан кўра кеч, чиқмаган жондан умид, дейдилар!

Шундай экан, маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул давлат идораларимиз, ижодкор зиёлиларимиз жамиятимизда миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мусиқа соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш, халқимиз шоу-бизнес вакилларининг мусиқасимон шовқин шаклидаги бемаъни кўшиқларидан, бачкана қилиқла-

ва санъат соҳасида халқаро маданият ташкилотлар ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ўз вазифаларини (Жамғарма тўғрисидаги Низомнинг 4-банди учинчи хатбошиси) бажаришда айнан шундай маданият ва санъат арбобларига эътибор қаратиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ж.Лопес концертини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси билан чиқиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. 7 августгача вақт ҳали етарли. Ўйлайманки, жаҳон бизнесшоумени бундан хафа бўлмайди ва Ўзбекистон санъат ихлосмандлари бундан кўп нарсга йўқотмайди. Агар улар орасида ушбу «жаҳон юлдузи»нинг рақс ҳаракатлари ва овозидан завқланишни жуда-жуда хоҳловчилар кўп бўлса, бундай томошани ўтказишни бошқа шоу-бизнеснинг ҳар қандай тузилмаси тижорий асосда ўз зиммасига олиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ



Тоғ нега тошга айланган?

“Йигинда эшитган сўзинг – омонатдир”. Бу ҳадисда инсоният жамияти учун бениҳоя зарур ва аҳамиятли бўлган мазмун ифодаланган. Яъни унда бирор мажлисда эшитилган сўз омонат экани, уни ҳар жойда сўзлаш ножонизлиги уқтирилган.

хийлагар эканини намоён этиши ифодаланган:

*Ҳар кишиким бировни маҳрам этиб,
Машваратда амини роз этти,
Гар яшурди билиб салоҳ сўзин,
Ўзини қалбу ҳийласоз этти.*

Бу мавзу асарда бошқа ҳадислар талқини мисолида ҳам изчил давом эттирилган. Жумладан, “Кафа билмаръи исман ан юҳаддиса биқулли ма самиъа” – “Кишига ҳар бир эшитган нарсасини гапиришининг ўзи гуноҳ ўлароқ етарлидир” мазмунидаги ҳадис юқоридагиларнинг мантикий давоми сифатида алоҳида қимматга эга:

*Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти фош этти.
Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин
Гўё Тенгри они тош этти.*

“Гуноҳ” сўзи ўрнига ҳазрат Навоий унинг туркий эквиваленти – “ёзуқ”ни қўллади. Эътиборли жиҳати, дастлабки икки сатрда

юқоридаги муборак ҳадис мазмуни тўлақонли талқин этилиб бўлган. Кейинги икки сатрдаги образли тасвир воситасида мазкур ҳадис моҳияти кишининг қалбида чуқур из қолдирадиган тарзда таъсирчан ифодаланган: “Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин Гўё Тенгри они тош этти” – Тоғ нимаики эшитса, акс садо қилиб қайтаргани боис Аллоҳ таоло уни тошга айлантириб қўйган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак ҳадислар шеърий шарҳига бағишланган “Арбаъин” асари ана шу каби қимматли ўғитларни жамлагани билан аҳамиятлидир. Агар тоғ каби тошга айланиб қолмай десангиз, давраларда эшитган сўзингизни омонат деб билинг. Кўпчиликка тарқатишдан сақланг.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Филология фанлари доектори,
профессор

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Максуд

ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-710

Адади: 1600

Пайшанба кунини чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 0010-рақам билан

рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Боғланиш учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон ва Озарбайжон:

барқарор экологик ҳамкорлик йўлида

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, глобал иқлим муаммолари шароитида минтақавий ўзаро алоқаларнинг муваффақиятли намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик янги стратегик босқичга кўтарилиб, икки томонлама ва кўп томонлама форматларни қамраб олмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги экологик ҳамкорликнинг асосини 2008-йил 11-сентябрь кунини Боку шаҳрида имзоланган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади. Ҳозирда мазкур йўналишда ҳукукий асосни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни тизимли амалга оширишга хизмат қилувчи янги Ҳукуматлараро битим лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йиллар давомида ҳамкорлик доирасида MDH, INT ва TDT каби халқаро майдонлардаги конференциялар орқали тажриба алмашинуви фаол йўлга қўйилди. Бу жараён юқори даражадаги вазирлик учрашувлари, делегациялар алмашинуви ҳамда халқаро форумларда биргаликдаги иштирок билан мустаҳкамланмоқда.

2023–2024-йиллар давомида Ўзбекистон ва Озарбайжон вакиллари бир қатор муҳим иқлим тадбирларида иштирок этдилар. Айниқса, Боку шаҳрида 2024-йил ноябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси иштирокчи давлатларининг 29-сессияси (COP29) муҳим аҳамият касб этди. Айнан ушбу анжуманда Туркий давлатлар ташкилоти (TDT) доирасида атроф-муҳит

бўйича илк вазирлар учрашуви ўтказилди. Ушбу ташаббус Шуша шаҳридаги норасмий саммитда илгари сурилган бўлиб, учрашув якунида экология соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга доир декларация имзоланди.

Бундан ташқари, COP29 доирасида Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ давлатлари кўмагида Осиё Тараққиёт Банки томонидан “Музликлардан фермаларга” (Glaciers to Farms) номли минтақавий дастур ишга туширилди. Ушбу ташаббус сув ресурслари ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтиришни назарда тутди.

Ёшлар ва таълим соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим йўналишлардан бирига айланди. 2023–2024-йилларда озарбайжонлик ёш эколог-активистлар Самарқандда ўтказилган Халқаро экологик оромгоҳда иштирок этдилар. “Замин” фонди ташаббуси билан ўтказилган тадбир UNICEF, BMTTD, FAO каби халқаро ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтди ҳамда маданиятлараро мулоқот ва янги авлоднинг экологик онгини шакллантиришга хизмат қилди.

2024-йил сентябрь ойида Озарбай-

жон Экология ва табиий ресурслар вазирлиги матбуот котиби И. Иброҳимова бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам эътиборга молик бўлди. Ташриф доирасида II Ўзбекистон – Озарбайжон медиафоруми ўтказилиб, меҳмонлар Экология вазирлиги ахборот хизмати фаолияти билан танишдилар ва экологик маълумотлар билан ишлаш, дезинформацияга қарши курашиш бўйича тажриба алмашдилар.

Озарбайжон Президенти иқлим ўзгариши масалалари бўйича махсус вакилининг Самарқанд иқлим форумида иштироки алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, икки давлат ўртасида иқлим соҳасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги қадамга айланди.

Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун истиқболли йўналишлар белгиланди, бу йўналишлар яшил шаҳарсозликни ривожлантириш, соҳа бўйича таълим муассасалари асосида илмий тадқиқотларни алмашиш, янги ҳукуматлараро келишувни имзолаш орқали ҳамкорликни расмийлаштириш ва ишчи гуруҳ ташкил этиш кабиларни қамраб олади.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг экология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги ҳамкорлиги нафақат икки давлат, балки бутун минтақа учун барқарор тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда. Иқлим дипломатияси, илмий ҳамкорлик, экологик маърифат ва халқаро ташаббусларда биргаликда қатнашиш келажак авлодлар учун табиий муҳитни сақлаб қолиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш йўлида ишончли пойдевор яратмоқда.

Экология вазирлиги матбуот хизмати

МУҲОЖИРЛИК

Хориждаги ватандош тақдири ва инсон қадри ҳақида

Инсон давлат ғамхўрлигини оғир синовли кунларда кўпроқ ҳис қилар экан. Айниқса, уйдан юз минглаб километр узоқда, ўзга юртларда ҳаёт учун курашаётган фуқаролар учун давлат сўнгги умид бўлиб қолади...

Қора тамға

Илгари хориждаги ўзбекистонликларнинг тақдири негандир ноаниқ ва сиёсий тусда баҳоланарди.

Чет элга ишлаш учун кетган миллионлаб юртдошларимиз давлат сиёсатининг кун тартибидан бўлмас, уларга ёрдам берилмас, муаммолари ҳам тан олинмас эди. Ҳаттоки муҳожириларибизга «дангасалар» деган қора тамға солинган, улар «тиламчилар»га тенглаштирилган пайтлар бўлган. «Ҳаммамизни шарманда қилган» меҳнат муҳожирилари ҳақидаги гап давлат телевидениеси орқали махсус кўрсатувда намоиш этилганди.

Сўнгги йўл

Қишнинг изғиринли кунларида Москвадан совуқ хабар келди. Қурилиш майдонида ишлаётган 24 ёшли Хуршиднинг кўпқаватли бинодан йиқилиб, жони узилибди.

Унинг орзулари бисёр эди. Юртга қайтиб, онасини рози қилишни, турмуш қуриб, фарзандлар ўстиришни ният қилган эди. Лекин тақдир унга бундай бахтни раво кўрмади.

Онаси Фарида «ўлди» деган гапга ишонмади, «болам чидамли, ҳеч қачон касал бўлмаган» дерди. Гўё ҳозир кўчадан унинг овози эшитилади, яна ҳовлига кулиб кириб келадигандек эди. Афсус...

Ҳа, ўлим осон эмас, лекин муҳожириликнинг ўлими бундан ҳам оғирроқ экан. «Майитни олиб келиш учун кўп пул керак, махсус юк сифатида самолётда олиб келинади. Хужжатбозликлар, бўш рейсни кутиш... кўп вақт керак», деган гаплар шундоқ ҳам мусибатдаги оилани баттар қақшатди.

Хуршиднинг ҳамкасблари ва ватандошлари яқинлари юборган пулга қўшиб, яна омонат йиғишди, ўзлари шифохонага, «морг»га, консулхонага боришди, харажатларни қискартириш ҳақида илтимослар қилишди. Лекин бюрократия кучли: хужжатлар, рухсатномалар, юклаш, юбориш... Бу жараёнлар Ватани, оиласи соғинчида юрган ёш йигитнинг «сўнгги йўли»ни оғирлаштирар, яқинлари қалбидаги оғрикни янаям кучайтирар эди.

Салкам икки ҳафта ўтиб, унинг жасади туғилиб ўзган қишлоғига



олиб келинди. Онаси юраги қақшаб фарзандини узоқ кутди. Аммо кўзининг оқу қораси муздай тана, ҳаётга тўймай сўнган кўзлари билан тобут ичида келди...

«Хуршид»лар кўп. Улар ҳар куни тонгда қурилишга, заводга, бозорга йўл олишади. Ҳалол меҳнатлари билан оилаларига, фарзандларига, ота-оналарига пул юборишади. Аммо уларнинг қайтиши, афсуски, ҳар доим ҳам тантанавор бўлавермайди.

Шундай оғир синовлар вақтида давлатнинг инсонларга таянч, тиргак бўлиши қийматини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмас экан.

«Юмшоқ куч»

Шукрки, Ўзбекистонда вазият ўзгарди. Чет элдаги қорақўзларга «дангасалар» деб қаралмайдиган бўлди, у қаерда бўлишидан қатъи назар, давлат ҳимоясига олинди. Ташқи сиёсатда фуқаро манфаати устуворликка чиқди. Консулликлар ва элчихоналар янада фаол ва шаффоф ишлай бошлади.

Хориждаги ватандошлар нафақат ҳимоя остида, балки улар ҳам «юмшоқ куч» сифатида давлат дипломатиясининг фаол иштирокчиларига айланишяпти. Кўпчилиги ишбилармон, сармоядор, нуфузли жамиятлар аъзолари. Улар Ўзбекистон имижини кўтаришда, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишяпти. Давлатимиз улар билан

ишлашни стратегик вазифа сифатида кўрмоқда.

Пандемия синовли

Бир эслайлик, коронавирус пандемияси бутун инсониятни камбағал-бойлигига қарамай, давлатларнинг иқтисодий қудратидан қатъи назар, тенглаштириб қўйганди. Ўша оғир кунларда Ўзбекистон ўз фуқароларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, қаттиқ қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди.

Биргина 2020 йилнинг ўзида 550 мингдан ортиқ фуқаро Ватанга қайтарилди. Шундан 340 мингдан зиёди — чартер рейслар, 55 минг киши темир йўл ва яна 165 минг чегара постлари орқали юртга олиб келинди. Тасаввур қилинг, хорижда ишсиз, пулсиз, бетоб бўлиб ётиб қолган ўзга юрт фуқаросига



ким ҳам ғамхўрлик қиларди? Афсуски, юртга қайтишни истамаган, кейинчалик ишсиз қолиб, касалликка чалиниб, хориж шифохоналарига қабул қилинмай, ижара ётоғида жон берганлар ҳам бўлди.

Бу синовли жараёнда давлатимиз шунчаки ташувчи ролини бажармади, балки бошқа давлатлар билан қизғин музокаралар олиб борди, махсус фондлар тузди, ўз халқига қайишган дўст сифатида намоён бўлди.

Агар ўша пайтда...

Вазиятга давлат аралашмаганида, эҳтимол, юз минглаб ўзбекистонликлар юртга қайта олмасди. Уларнинг баъзилари моддий имконсизлик, баъзилари эса чегаралар ёпилгани учун узоқда қолган эди. Давлат эса бир четда жим қараб турмади.

Хориждаги юртдошларимизга нисбатан бундай эзгу ишлар фақат пандемия даврида намоён бўлмади. Украинада тўсатдан уруш бошланганида ҳам мамлакатимиз ўз фуқароларини чартер рейслар орқали эвакуация қилди. Ўқ овозларидан

дахшатга тушган аёллар, болалар учун қанчалик муҳим далда бўлганини ўша ҳолатга тушганлар яхши ҳис қилишади.

«Меҳр» операциялари доирасида эса Яқин Шарқдаги можаролар ҳудудидан юзлаб аёл ва болалар юртга қайтарилди.

Инсон қадри

Пандемия ва уруш — бу шошилинч чоралар талаб қилган фавқуллод ҳолатлар. Аммо яна бир ҳақиқат бор: миллионлаб ўзбекистонликлар ҳамон хорижда. Улар орасида... бевакт ҳаётдан кўз юмаётганлар ҳам бор. Маълумотларга кўра, йилига мингга яқин «200-юк» Ўзбекистонга олиб келинади.

Бир вақтлар хорижда вафот этган муҳожири юртга қайтариш унинг оиласи учун қанчалик оғир руҳий ва катта моддий синов эди.

Югур-югурлар, хужжатбозликлар, элчихона ёки консулликдаги узоқ навбатлар, катта маблағ, санитария талаблари ва бюрократик тўсиқлар... Бу шундай оғир юкки, яқинларини айрилиқ азобиға қўшиб эзарди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2019 йилда давлат томонидан бу борада ниҳоятда муҳим қарор қабул қилинди. Меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ҳукумат қарорига асосан, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўзбекистонлик фуқаролар вафот этса, уларнинг жасади ҳукумат томонидан бепул асосда юртга қайтарилиши йўлга қўйилди.

Марҳумнинг яқинлари Миграция агентлиги ёки унинг хориждаги ваколатхоналарига мурожаат қилиш орқали тез кўмак топишлари мумкин бўлди. Ўлим сабабидан қатъи назар, давлат ўз фарзандини охириги манзилига етказишни зиммасига олди... Шунингдек, хорижда қийин вазиятда қолган юртдошларимизга ҳам кўмак кўрсатилиб, зарур бўлса, уларни Ўзбекистонга қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Ҳар қандай жамиятда ҳақиқий юксалиш инсонни кадрлашдан бошланади. Чунки давлат кучли бўлиши учун, энг аввало, одамлар рози, бахтли ва кадрли бўлиши керак. Бундай муҳитда салоҳият юзага чиқади, иқтидорлар порлайди, янгилик яратиш ва ривожланиш жараёни тўхтамайди.

Лутфулло ТУРСУНОВ,
журналист